



яхудийлар ҳам биргаликда ҳаж қилганлари боис у ҳажж-и акбар – катта ҳаж деб аталган.

Шунингдек, ҳажж-и акбар деб Расулуллоҳ (с.а.в.) ўз саҳобалари билан бирга қилган ҳажларини назарда тутилади. Буни Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг ўзлари ўша ҳажлари асносида айтиб ўтганлар. Ул зоти шариф: "Бу ҳажж-и акбар кунидир! Бундан сўнг Сизларга қонларингиз, молларингиз ва обрўларингиз бир-бирингизга ҳаром..." деган машҳур ҳадисларини ана ўша вақтда баён қилганлар (Бухорий, 2/1742; Муслим, 2/1342).

Бироқ, юқоридаги ривоятларнинг ихтилофли эканлигидан айнан мана шу ҳажж-и акбарнинг қандай бўлиши, қайси кун ва қайси вақт экани ҳақида уламолар ҳар хил фикрлар билдирганлар. Жумладан, бу ҳақида қуйидаги фикрлар мавжуд:

1) Қурбон ҳайити куни жумъага тўғри келиши керак. Бу Ҳазрати Али (к.в.), Ибн Абу Авфо (р.а.), Муғира ибн Шўъба (р.а.) каби саҳобаларнинг, Абдуллоҳ ибн Шаддод (р.а.), Ибн Абу Авфо (р.х.), Саид ибн Жубайр (р.х.), аш-Шаъбий (р.х.) каби тобеъинларнинг фикрларига мувофиқ келади. Бир ривоятда Абдуллоҳ ибн Аббос (р.а.) шу фикрга қўшилган.

2) Арафот майдонида туриш жумъа кунига тўғри келиши керак, демак, бунга кўра қурбон ҳайити шанба куни бўлиши керак. Бу Ҳазрати Умар (р.а.) ва Абдуллоҳ ибн Аббос (р.а.), Абдуллоҳ ибн Умар (р.а.), Абдуллоҳ ибн Зубайр (р.а.) каби аборидларнинг ҳамда бошқа кўпгина саҳобаларнинг фикрларига мувофиқ келади. Тобеъинлардан Саид ибн ал-Мусаййаб (р.х.), Товус (р.х.) ҳам шу фикрда бўлганлар. Бу ҳақида Ҳазрати Али (к.в.)дан ҳам бир ривоят бор.

3) Мийнода туриш кунлари жумъага тўғри келиши керак. Умуман, Мийнода туриш кунлари, янада аниқроғи, жами ҳаж кунларининг ҳаммасини ҳажж-и акбар дейиш мумкин. Бу Суфёни Саврий (р.х.) ва Мужоҳид (р.х.) каби тобеъинларнинг фикридир. Чунки, кун сўзи даврга нисбатан айтилган. Арабларда "йавми буос", "йавми сиффин" деганда, бир кунни эмас, бутун бир воқеани назарда тутиб айтилади.

4) Ҳажж-и акбар деб қирон ҳажини, ҳажж-и асфар деб ифрод ҳажини айтилади. Бу Мужоҳид (р.х.)нинг бир фикридир.

5) Ҳажж-и акбар бу ҳажнинг ўзи, ҳажж-и асфар эса умрадир. Бу аз-Зухрий (р.х.), аш-Шаъбий (р.х.) ва Ато (р.х.) кабиларнинг фикрларидир.



Ҳанафий олимларидан Нух Афанди (р.х.) ва Али ал-қори (р.х.) кабилар ҳажж-и акбар тўғрисида алоҳида-алоҳида рисоалар битганлар.

Ҳажж-и акбар тўғрисида қисқа маълумотлар ана шулардан иборат.

Ҳамидуллоҳ Беруний